



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

DSc, профессор Мавланов Нормўмин Нормаматович,
ТДИУ, Тошкент, Ўзбекистан Email: mavlanovnormumin@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0001-5117-4658>

IMPROVING THE INFORMATION SUPPLY OF THE CREDIT ABILITY ANALYSIS OF ECONOMIC SUBJECTS

DSc, professor Mavlanov Normumin Normamatovich,
TSUE, Tashkent, Uzbekistan Email: mavlanovnormumin@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0001-5117-4658>

JELClassification: G24 D14

Аннотация.

Мақолада корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилини ахборот таъминоти атрофлича ёритиб берилган. Банк соҳасида кредит муносабатларини тартибга солишда ахборот таъминотини тўғри шакллантириши ва соддалаштиришига эътибор қаратиши зарурдир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот таъминотини шакллантиришда ишончли ахборотларни ажратиш олиш зарурияти юзага келади. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида жуда кўп ахборотларга дуч келинади. Бунда энг катта муаммо ахборотлар ичидан зарур ва ишончлиларини ажратиш олишидир. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги мавжуд ахборотларга талаблар қўйилади, яъни шу талабларга жавоб берадиган ахборотлар энг зарур ахборот ҳисобланади ва иқтисодий самараси ҳам юқори бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларда йил давомида молиявий маблағга бўлган эҳтиёж юзага келади. Бу эҳтиёжлар асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда. Бунда корхоналар олдида турган катта муаммо кредит ҳужжатларининг кўплиги ва босқичма-

босқич қабул қилиниши ортиқча вақт сарфланиши ҳисобланади. Бундай муаммолар кредит жалб қилиш жараёнида қийинчиликни келтириб чиқаради. Ушбу қийинчиликларни бартараф этиши хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот алмашинувини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тезлаштириши зарурлигини келтириб чиқаради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилини ахборот таъминотини такомиллаштириши йўли билан амалдаги камчиликларни бартараф этиши бўйича назарий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract. In the article, the information supply of the analysis of creditworthiness of enterprises is detailed. In the regulation of credit relations in the banking sector, it is necessary to pay attention to the correct formation and simplification of information supply. In the analysis and evaluation of the creditworthiness of economic entities, the need to extract reliable information arises in the formation of information supply. In the process of analyzing the activity of a business entity, a lot of information is encountered. The biggest problem is to separate the necessary and reliable information from the information.

Requirements are set for the available information in the activity of the economic entity, that is, the information that meets these requirements is considered the most necessary information and has the highest economic efficiency. Economic entities have a need for financial resources throughout the year. These needs are mainly covered by bank loans. In this case, the big problem faced by the enterprises is the large number of credit documents and the time-consuming process of accepting them step by step. Such problems create difficulties in the process of attracting credit. Overcoming these difficulties creates the need to accelerate the exchange of information using innovative technologies in the analysis and assessment of creditworthiness of economic entities. Theoretical and practical proposals have been developed to eliminate the current shortcomings by improving the information supply of the analysis of creditworthiness of economic entities.

Калим сўзлар. *Кредит, кредитга лаёқатлилиқ, ахборот, ахборот таъминоти, кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг асосий тартиб-қоидалари, электрон дастур, ахборот алмашинуви.*

Keywords. *Credit, creditworthiness, information, information supply, basic procedures of creditworthiness analysis, electronic program, information exchange.*

Кириш. Республикамиз иқтисодиётининг барча соҳаларида тезкор ахборотларга бўлган талабнинг юқори суръатларда ўсиши замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборот алмашинувини тезлаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Жумладан, банк соҳасида ҳам кредит муносабатларини тартибга солишда ахборот таъминотини тўғри шакллантириш ва соддалаштиришга эътибор қаратилиши муҳим ҳисобланади. Корхоналарда йил давомида молиявий маблағга бўлган

эҳтиёж юзага келади. Бу эҳтиёжлар асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда. Бунда корхоналар олдида турган катта муаммо кредит ҳужжатларининг кўплиги ва босқичма-босқич қабул қилиниши ортиқча вақт сарфланишига олиб келмоқда. Бундай муаммолар кредит жалб қилиш жараёнида қийинчиликни келтириб чиқармоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот таъминотини соддалаштириш ва ахборот алмашинувини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тезлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Материал ва метод. Мавзуга оид адабиётлар таҳлиliga тўхталадиган бўлсак. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот таъминотини шакллантириш бўйича Молиявий таҳлил (Ионова ва Селезнева, 2006), Компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили (Ендовицкий ва бошқ., 2016), Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш (Наумченкова, 2016), Корхоналарнинг молиявий таҳлили (Лиференко, 2005), Банк иши (Абдуллаева, 2017), Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016), Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили (Рахимов, 2015), Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Маматов ва бошқ., 2016) каби адабиётларда кредитга лаёқатлилиқ таҳлили ва баҳолашда ахборот таъминотини шакллантиришнинг зарурияти, унга қўйиладиган талаблар, кредит рискинни камайитиришдаги аҳамияти ёритиб берилган. Аммо адабиётларда кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг ахборот таъминотини такомиллаштиришда

қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилмаган:

- кредитга лаёқатлиликини баҳолашда тақдим этиладиган ахборот манбаларининг ишончилиги таъминланмаган;

- кредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни унификациялаштириш ва соддалаштириш амалга оширилмаган;

- ахборот алмашинувини тезлаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилмаган.

Тадқиқотимиз корхонанинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот таъминотини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалиётдаги мавжуд муаммолар назарий жиҳатдан тадқиқот ишлари олиб борилган ва ундаги натижалар асосида аниқ амалий хулоса ва таклифлар баён қилинган.

Натижалар. Рақобатдош иқтисодий шакллантириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот алмашинувини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тезлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект ва банк ўртасидаги кредит муносабатларида ахборот таъминотига боғлиқ амалиётдаги мавжуд муаммолар қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ахборот ишончилигини таъминлаш;

- кредит ҳужжатларини унификациялаштириш ва соддалаштириш;

- ахборот алмашинувини тезлаштириш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда ахборот таъминотини шакллантиришда ишончли ахборотларни ажратиб олиш зарурияти юзага келади. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида жуда кўп ахборотларга дуч келинади. Бунда энг катта муаммо ахборотлар ичидан зарур ва ишончиларини ажратиб олишдир. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги мавжуд ахборотларга талаблар қўйилади, яъни шу талабларга жавоб берадиган ахборотлар энг зарур ахборот ҳисобланади ва иқтисодий самараси ҳам юқори бўлади. Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборотлар қуйидаги талабларга мос келиши етарли деб ҳисоблаймиз:


- Ахборотларнинг узлуксиз бўлиши;

- Ахборотларнинг ишончли бўлиши;

- Ахборотларнинг қиёсланувчан бўлиши.

Ахборотларнинг узлуксиз, ишончли ва қиёсланувчан бўлиши таҳлилнинг самарадорлиги ва натижада баҳолашнинг аниқлик даражасини ошириб беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг ахборот таъминотини ишлаб чиқишда кредитга лаёқатлилиги таҳлили тартиб қоидаларига амал қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг асосий тартиб-қоидалари¹.

Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг асосий тартиб-қоидаларидан келиб чиқадиган бўлсак, молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар асосида кредитга лаёқатлиликни баҳолаш амалга оширилмоқда. Демак ахборот таъминоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг тартиб-қоидаларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиги таҳлилининг ахборот таъминотини қуйидагича шакллантирдик:

1. Хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этиладиган маълумотлар

- а) юридик ҳужжатлар;
- б) молиявий ҳисобот маълумотлари;
- в) бизнес режа маълумотлари(олинган кредит юзасидан);
- г) қисқа ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси(корхона фаолияти юзасидан);

2. Банк томонидан тўпланадиган маълумотлар

- а) миқдорнинг кредит тарихи;
- б) корхонанинг бизнес обрўси;
- в) лойиҳанинг реаллиги;

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

г) хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича кўшимча маълумотлар.

Банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этган ахборотларга қараб хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиб, кредитни ўз вақтида ва тўла қайтара олиш қобилиятини баҳолайди. Ҳозирги кунда банклар олдида турган энг катта муаммолардан бири хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилаётган ахборотларнинг ишончсизлигидир. Амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этадиган ахборотларни нотўғри кўрсатиш ҳолатлари, яъни кредитга лаёқатли бўлиш учун суний равишда ошириш ёки камайтириш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатларнинг учраб туриши корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини тўғри ва аниқ баҳолаш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили кредит қайтмаслик рискини пасайтирувчи омил сифатида қаралмаяпти ёки охириги ўринда турибди. Банк ва хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги кредит муносабатларида амалиётда юзага келаётган энг муҳим муаммоли жиҳатлардан бири кредит ажратишга узоқ вақт талаб қилинишидир. Бунинг асосий сабаби кредит ҳужжатлари дастлаб туманда кейин вилоят ёки шаҳарда ва охирида республикада кўриб чиқилишидадир. Барча босқичда ҳар хил талабларнинг қуйилиши, яъни турли хил ҳужжатлар сўралаётганлиги кредит ажратиш жараёнига ўзоқ вақт талаб қилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк муассасалари учун хўжалик юритувчи субъект ахборотлари ишончлилиги ва ахборот алмашинувини тезлаштиришни таъминлаш муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Биз

илмий изланишлар натижасида корхоналар томонидан тақдим этиладиган ахборотларнинг ишончлилиги ва ахборот алмашинувини тезлаштиришни таъминлаш мақсадида "Давлат ягона интерактив ахборот базаси" номли электрон дастур яратилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинди (№DGU 05151. 23.03.2018 й.). Бу ахборот базасининг ишлаш тартиби www.my.gov.uz, www.my.soliq.uz сайтларга ўхшаш амалга оширилади. Корхоналар томонидан Давлат ягона интерактив ахборот базасига талаб этиладиган маълумотлар нотўғри маълумот киритилганда жарима белгиланишига розилик билдирган ҳолатда киритилади ва банклар бу маълумотлардан фойдаланиб корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигига баҳо беради. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилида фойдаланаётган ахборотларни ишончлилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қисқа муддатли ўрганиш амалга оширилади. Қисқа муддатли ўрганиш икки хил усулда ташкил этилиши мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида узоқ йиллик тажрибага эга бухгалтерларни жалб қилиб, банкда янги бўлим жорий этиш асосида;

2. Аудиторлик ташкилотлари билан шартнома имзолаш асосида.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти қисқа муддатли ўрганиш натижасида ахборотлар нотўғри тақдим этилган ҳолатлар аниқланганда жарима белгиланади (сўралаётган кредит суммасидан 10-15% гача). Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нотўғри ахборотлар тақдим этилган ҳолатнинг учраши фақат жарима белгилаш эмас, қайта такроран нотўғри маълумот тақдим этилганда умуман кредит ажратилмаслик

шарти қўйилади. Бундай қатий талаб қўйилиши хўжалик юритувчи субъект томонидан нотўғри ахборот тақдим этмасликка олиб келади.

Давлат ягона интерактив ахборот базаси қуйидаги тамойилларга амал қилади:

- қонунийлик;
- очиқлик;
- холислик;
- иштирокчиларнинг тенг

ҳуқуқлилиги.

Ушбу база қонуний асосда ташкил этилади, ахборотлар очиқ бўлади, яъни фойдаланувчилар учун. Холислик тамойилига риоя қилади бунда шахс аралашуви бўлмади ҳамма жараён компьютер технологиялари ёрдамида амалга оширилади. Барча иштирокчилар маълумот киритишда тенг ҳуқуқга эга бўлади.

Давлат ягона интерактив ахборот базасининг ишлаш тартиби:

1-қадам. Дастлаб маълумот киритилишидан олдин нотўғри маълумот киритилганда жарима белгиланишига розилик билдиришни корхона ўзига тегишли электрон рақамли имзо орқали тасдиқлайди(жарима суммаси сўралаётган кредит суммасидан 10-15% дастлаб нотўғри маълумот тақдим этилганлиги аниқлангандан кейин яна нотўғри маълумот тақдим этилиш ҳолати ўчраса жарима икки баробарга оширилади ва умуман кредит ажратмаслик масаласи кўриб чиқилади).

2-қадам. Маълумотларни киритиш. Бунда корхоналар ўзига тегишли бўлимга кичик корхона ёки корхонага тегишли маълумотларни киритади.

а) Кичик корхоналар томонидан киритиладиган маълумотлар:

- Корхона фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (устав, таъсис шартномаси,

гувоҳнома, лицензия(талаб қилинган корхоналар учун) ва ҳ.к)

- Бухгалтерия баланси 1-сонли шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- Бизнес-режа маълумотлари;
- камида уч йиллик ривожланиш стратегияси;
- бошқа қўшимча маълумотлар.

б) Корхоналар томонидан киритиладиган маълумотлар:

- Корхона фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома, лицензия(талаб қилинган корхоналар учун) ва ҳ.к)

- Бухгалтерия баланси 1-сонли шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот 4-сонли шакл;
- Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот 5-шакл;
- Бизнес-режа маълумотлари;
- камида беш йиллик ривожланиш стратегияси;
- бошқа қўшимча маълумотлар.

3-қадам. Маълумотларни жўнатиш. Корхона томонидан маълумотлар тўлиқ ва тўғри киритганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг жўнатиш тугмасини босиш орқали маълумотларни жўнатади.

4-қадам. Корхона томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғри киритилганлигини текшириб базага қабул қилиш.

Хулоса. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар негизида иқтисодий барқарор ривожлантириш вазифаси туради. Иқтисодийнинг барқарор ривожланиши бевосита ахборот алмашинувининг тезлашиши билан боғлиқдир. Иқтисодийнинг муҳим соҳаларидан бири банк тизимида ахборот алмашинувининг тезлашиши хўжалик

юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланишига олиб келади. Хўжалик юритувчи субъект ва банк ўртасидаги электрон ахборот алмашинувини таъминлаб берадиган “Давлат ягона интерактив ахборот базаси” номли дастур ўз ичига қуйидаги имкониятларни олади:

- ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш учун тақдим этиладиган кредит

ҳужжатларини унификациялайди ва соддалаштиради;

- кредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ишончлилигини таъминлаб беради;

- хўжалик юритувчи субъект ва банк ўртасида электрон ахборот алмашинувини амалга оширади;

- ахборот алмашинувини тезлаштириш ҳисобига кредит олишни осонлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Ш.З. (2017) Банк иши. Дарслик.-Т.: “Iqtisod-Moliya”.-732 б.
2. Азизов У.Ў ва бошқалар. (2016) Банк иши.-Т.: “Фан ва технология”, 640 б.
3. Ендовицкий Д. А., Бахтин К. В., Ковтун Д. В. (2016) Анализ кредитоспособности организации и группы компаний : учебное пособие.- М. : КНОРУС, - 376 с.
4. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. (2005) Анализ и оценка кредитоспособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : КНОРУС. - 272 с.
5. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. (2006) Финансовый анализ: учебник. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект. -624 с.
6. Лиференко Г.Н. (2005) Финансовый анализ предприятия: Учеб.пособие.-М.: Экзамен, с. 160
7. Мавланов Н.Н. (2016) Корхона кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва уни комплекс таҳлилини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. №3, 9 б.
8. Мавланов Н.Н. (2018) Сравнительная оценка современных концепций анализа кредитоспособности: научные подходы и практика. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнал. №1, 14 б.
9. Маматов Б.Ш., Қуллиев И.Я., Пулатова М.Б. (2016) Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миқозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.:Extremum-press,112 б.
10. Наумченкова Ю. В. (2016) Оценка кредитоспособности заемщика. Теория и практика современной науки. № 5. с.5
11. Рахимов М.Ю. (2015) Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили.Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-Молия”, 392 б.